

НУҚУҚ

Апрел

D	1	8	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Y	7	14	21	28	

17-aprel,
chorshanba

17

(228)

YURIDIK GAZETA

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

● СЕССИЯДАН KEЙИНГИ УЙЛАР

ҚОНУНЧИЛИК ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўн бир йиллигини нишонлаш арафасида. Тарихий нуқтаи назардан олганда, бу жуда қисқа давр бўлишига қарамай мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳаларида кенг қўламда туб ўзгаришлар юз берди. Қўйидагилар шулар жумласидандир.

Биринчидан, давлатимиз халқаро ҳам-жамиятда ўзини ҳос ва муносиб ўринга эга бўлди ва урасман эътироф қилинди. Тараққиётимизнинг жаҳон андозаларига асосланган ўзини ҳос модели ва стратегияси ишлаб чиқилди. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга киришилди.

Иккинчидан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида сиёсий ислохотлар амалга оширилди. Бунда ҳокимиятнинг барча институтилари Ўзбекистон Конституциясида мустақамланган давлат ҳокимиятини тақсимлаш тамойилига мувофиқ тарзда ташкил этилди.

Учинчидан, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишининг ҳуқуқий асослари яратилди, бу эса ислохотларнинг самарали ва жадалли билан амалга оширилишини таъминламоқ-да.

Тўртинчидан, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташлаётган одимларимиз жадаллашди. Ўзгаришлар жарба-нининг орта қайтмаслигига тўла ишонч ҳосил бўлди.

Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий асослар мамлакатимизда ҳуқуқий – демократик давлат барпо этиш ва ижтимоий – адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 4-5 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида референдум қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, уни амалга оширишни ҳуқуқий жўнатдан таъминлаш масалалари кўрилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Референдум аёнлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий Қонуни қабул қилинди.

Мазлумки 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берди. Домимий асосда ишлайдиган икки палатали қонун чиқарувчи орган тузиш замонавий парламентаризмга ҳос тамойилдир.

Икки палатали парламентни тузишдан асосий мақсад ҳудудлар манфаати ва тенглигини, қонун устуворлигини таъминлаш, шуниңдек олий вакиллик органини демократик жўнатдан етук ва мукамал бўлишига эришишга қаратилган.

«Референдум аёнлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аввалтикек Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи бўлиб қолаверадди. Олий Мажлис иккита палатадан – Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат бўлади.

Қонунчилик палатаси бир юз йигирма нафар депутатлардан иборат бўлиб, депутатлар сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшрин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, юз нафар аъзодан (сенатордан) иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Парламентининг умумий ваколатлари доирасини ҳамда унинг ҳар бир палатасига ҳос ваколатларни аниқ белгилаб қўйиш принцилига асосланиши лозим.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олти кишидан-тенг миқдорда, навбатда сайлов ўтказилганидан кейин давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисларида ана шу вакиллик органлари депутатлари орасидан кечи билан бир ой ичида яшрин овоз бериш йўли билан сайланади. Умумдават манфаатларини таъминлаш мақсадида ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа соҳаларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тайинланади.

Қонунчилик палатаси ҳамда сенатнинг ваколат муддати – беш йил.

Қонунда сайлов ўтказиладиган муддатлар аниқ белгилаб қўйилди. Жаҳон амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, бу масалани ҳал этишнинг энг мақбул варианты сайлов ўтказишнинг аниқ календар муддатини (кунини) қонун йўли билан белгилаб қўйишдир. Шунингдек, қонунчилик палатаси депутатлари ва сенат аъзоларига нисбатан қўйиладиган асосий талаблар мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Айна бир шахс бир пайтнинг ўзида ҳам қўйи, ҳам юқори палатага сайланиши мумкин эмас.

Парламент палаталари тўғрисидаги қонунларда тегишлича ҳар бир палатанинг ваколатлари, уларнинг тузилиши ва ўзаро муносабати аниқ белгилаб қўйилиши, келишувга эришув, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш тартиби, палаталарнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқларининг органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда палаталар фаолиятининг бошқа масалалари тартибга солиниши лозим.

Қонунчилик палатасининг фаолияти олиб боришида депутатлар фракциялари салмоқли роль ўйнайди. Шу муносабат билан қонунда фракцияларни тузиш тартиби, улар-

нинг парламент фаолиятидаги иштироки шакллари назарда тутилиши керак.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайдиган қонунларда алоҳида эътиборни қонунларни қабул қилиш, имзолаш ва эълон қилиш тартибига қаратмоқ лозим.

Қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасига киритилади, бу палата уларни, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқди. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун Сенатга ўтказилиши лозим. Сенат маъқуллаган қонун ўн кундан кечиктирмай имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонун Сенат томонидан рад этилган тақдирда юзгага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун палаталар келишув комиссиясини тузишлари мумкин, қонун шундан кейин Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда қайта кўриб чиқиши лозим. Қонунчилик палатаси Сенатнинг қарорига рози бўлмаган тақдирда қонун, агар такрорий овоз бериш чоғида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмини ёқлаб овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолларда қонун имзолаш учун Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентига белгиланган тартибда юборилган қонун ўттиз кундан кечиктирмай имзоланади ҳамда белгиланган тартибда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «... фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳеч қимдан кам бўлмайдиган марраларга етиш учун бошлаган ислохотларимизни изчил ва қатъий билан давом эттириш ва янада қучурлаштириш тақозо этилмоқда, буни кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда десак ҳеч қандай муболага бўлмади».

Давлат қурилиши бутун дунёда узуқисиз жараён ҳисобланади. Бу жараён давлатнинг барча органлари томонидан давлат ҳокимиятининг тармоқлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжўнатлик йўли билан ҳамда уларнинг ваколатлари ўртасида мувоозанатни сақлаган ҳолда, жамият ва давлат турмушининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятидаги бошқа институтиларнинг фаол иштироки этиши учун зарур шароитлар яратиш орқали амалга оширилиши лозим.

Эркин АБЗАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори



АНДИЖОНДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор тергов ходимлари малакасини ошириш маркази, Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида Андижон шаҳрида «Жиний жазоларни либераллаштириш ва инсон манфаатлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Тўхташев, Тошкент Давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев, анжуман меҳмони, Япониянинг Нагоя университети профессорси Сабури Харуолар маъруза қилиб, ушбу қонуннинг суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказила-ётган ислохотларда тугган ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

Анжуман вилоят ҳуқуқ-тартибот органилари ходимларида катта таассурот қолдирди.

Суратда: Анжумандан лавҳа.

АНОНС

НУРОНИЙЛАР УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Қариялари кадрланган юртдагина нурунийлар ана шундай дуо қилишлари мумкин. Нурунийлари улуғланган юртга эса оллоҳнинг нури ёғилиб туради.

2 - саҳифа

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ ЭЪТИБОРДА

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурорга судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқининг берилганлиги унинг давке янада мустаҳкамланганлигидан далолат беради.

4 - саҳифа

ҚОТИЛНИ ФОШ ҚИЛГАН ДАЛИЛЛАР

Воқеа жойи ва мурда ҳолислар иштирокида қўздан кечирилганида унинг чап қўлининг номсиз бармоғида оқ металлдан ясалган узук борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

7 - саҳифа

Моҳият

Уч нарса кишини қийнаб, заифлаштиради. Улар бахил билан бирга яшаш, тепса-тебранмас киши билан уфлат бўлиш ҳамда бажарилиши узоққа чўзилган вағдадир.

Абдулқодир БАҲЗАНЖИЙ

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'asischilar:

Ўзбекистон Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abdulloq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar: 133-82-34

E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxonalar manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149

Nusxasi — 24.414

Bosmaxonaga topshirish vaqti	20.00
Bosmaxonaga topshirildi	19.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchesi muharrir:

H. NISHONOV

Navbatchesi: F. MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● **2002 YIL — QARIYALARNI QADRLASH YILI**

— *Erkin aka, avvalo muhtajliklarimizga jamgarmaning iynalishi va vazifalari haqida gapirib bersangiz.*

— Respublikada kuchli ijtimoiy siyosatni amalga oshirishga kumaklashish, urush va mexnat faxriylarini, nogironlarni e'zozlash, ularga zarur moddiy-ma'naviy, tibbiy e'dam kursatish choralarini kuriushda faol qatnashish, milliy kadriyatlarimiz, vatanparvarlik, mexnatsevarlik, totuvlik kabi hislatlarning avloddan-avlodga utib yanada boyshiga hissa kushi, e'shlarni ona-Vatanga sadoqat ru-xida tarbiyalash kabi vazifalar jamgarma faoliyatining asosi etib belgilangan.

Xalqimizda nuroniyning xar bir ugiti qonun bulgan. Ularining suzi ikki bulmagan. «Nuroniy» jamgarmasi, uning bulimlari xodimlari va faxriylarimiz mustakilligimizni mustaqamlashga qarantilgan ma'naviyat, ma'rifat xamda kadriyatlarimizni tiklash soxasida kulga kirittgan yuqularni e'shlarning qalbiga singdirishda qator davlat va jamoat tashkilotlari bilan xamkorlik qilib kel-moqdalar.

2002 yilning Qariylarni qadrlash yili deb e'lon qilinishi munosabati bilan Vazirlar Mahkamasi tomonidan maxsus Davlat dasturi kabul kilindi. Bugungi kunda qariylar mamlakatimiz aholisining 7,5 foizini tashkil qiladi. Nuroniylarimiz yurtimizda duoguy bulib, elimiz e'zozida yashomokda. Ularini ijtimoiy ximoya qilishni yanada kuchaytirish yuzasidan bir qancha hukumat qarorlari kabul kilindi. Buning erkin misoli kilib 1996 yil dekabr oyida Prezidentimizning Farmoni bilan U'zbekiston faxriylarini ijtimoiy kullob-kuvvatlash «Nuroniy» jamgarmasi tashkil etilishini kursatish mumkin. Yakinda muhbirimiz U'zbekiston faxriylarini ijtimoiy kullob-kuvvatlash «Nuroniy» jamgarmasining Markaziy kengashi raisi Erkin BOKIBOEV bilan dastur ijrosini ta'minlash borasida amalga oshiriladigan ishlar xususida suxbatlashdi.

keksa avlod vakillari mamnujniy bilan kutib oldilar. Zoro, bu xalqimizning asriy kadriyatlariga tayanigan holda yurtimizdagi barxa e'ini ulug' insonlarning izzat-xurmatini joyiga kuyish iylidagi muhim qadam buldi.

— **2002 yil 24 yanvarda Vazirlar Mahkamasining Qariylarni qadrlash yili b'uyicha maxsus Davlat dasturi kabul kilindi. Dasturning ijrosi haqida nimalar dey olasiz?**

ladan, ular er va mulk soliqlaridan ozod qilingan, tibbiy, maishiy xizmat va transport soxalari-da kam muayyan imtiyozlariga ega. Elgiz keksalar, nogironlar, e'damga muxtoj faxriylar davlatimiz tomonidan ijtimoiy ximoya qilingmoxta.

1999 yilda «Nuroniy» jamgarmasi Toshkent shahar hokimligi va Soqligini saqlash vazirligi bilan xamkorlikda urush va mexnat faxriylari uchun ajratilgan 150 yurin-

lib berdi. Urtat maktab, bolalar bog'chasi, tibbiyot punktini kurib bergan.

Fargonalik faxriy muallim Karimjon ota uz tomorkasida ol-mazor bog' yaratgan. Bu fidoyi inson Chimen qirilariga suv chikarib, 10 gektar «Nuroniy bog'i» ni yaratishga bel boglagan. Navoiy viloyatida nurotalik 78 e'sli urush faxriysi Tursoyul Ergashev 4 gektar bog, jizaxlik Norqobil ota Safarkulov 4 gektar bog va terak-zor bapno etishdi.

— *Bozor iqtisodiyati sharoitida tadbirkorlik bilan mashuq bulmagan korxonalar uz-uzidan sinib bormokda...*

— Men nima haqida suz yoritmoqchi ekanligimni sezdim. Bugun biz bozor iqtisodiyati sharoitida yashaymiz. Bir suz bilan aytganda uz aravimizni uzimiz tortishimiz kerak. Jamgarma tizimida korxonat va fermer xujaliklari 11,8 milliard sumlik ishlab chikarish, xizmat kursatish xamda tijorat ishlarini bajaragan, olingan daromad 1,5 milliard sum bulib, ushbu daromadlardan jamgarmalariga ajratilgan mablag' miqdori 281 mln. sumni tashkil etgan.

Xozirgi kunda jamgarma tasarrufida 380 ta kichik korxonat, 155 ta fermer xujaliklari faoliyat kursatmoxta.

Moлиявий faoliyatni mustaqamlash orkali ijtimoiy ximoyani kuchaytirish maksadida Markaziy kengash tomonidan jamgarma bulimlari 42 mln. sum utkazib berildi.

— **Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 15 noyabrda «U'zbekiston Respublikasi pensiya ta'minoti tizimini takomillastirish chora-tadbirlari tug'risida» gi qaroriga muvofiq b'djetdan tashqari pensia jamgarmasiga mablaglar kelib tushishi va ular-dan maqsadli foydalinish yuzasidan jamoatchilik asosida nazorat qilib borish «Nuroniy» jam-garmasiga iulatilgan. Bu borada gi ishlar haqida nimalar dey olasiz?**

— Utgan davr ichida jamoat komissiyalarga 50 dan ortiq pensiya va nafoqat oluvchilardan ariza va shikoyletlar tushdi. Ular uz vaqtida joylardagi ijtimoiy ta'minot bulimlari bilan birgalikda kurib chikilib, ijobiy hal etildi.

Surxonдаре viloyatining Qizirix tuman pochta xizmati xodimlari tomonidan 2000 yilning noyabr oyidan 2001 yilni aprel oyigacha 1,5 million sum pensiya mablaglari gairikonunniy ravishda uzlastirilgan. Bunday qonunbuzarliklar Samarqand va Andijon viloyati pochta bulimlari-da xam aniklanib, bu haqda hujjatlar tegishi idoralarga topshirildi.

Vaqt shafqatsiz. Xar birimizni xet karilik tomon etkayldi. Oplok soxoli k'xiga tushib turgan nuroniy o'taxon e'ini yuzidan nur e'igilib turgan onaxon e'shlarni duo qilganlarida «bizning e'ishundanda olingan daromadni maktab bog'cha, elgiz qariylar, kam ta'minlangan oilalarga ovul fuqarolar iyg'ini ruyhati asosida bulib beriyti. Oganning ibratli, savob ishlaridan yana biri, bu mi'ytabar inson uz ug'illari bilan 40 oilaga xayr-sahovat sifatida uy-joy so-

НУРОНИЙЛАР УЛУГ'ЛАНГАН ЮРТ

Bir guruх faol faxriylarimiz Fargona, Jizax va Samarqand viloyatlaridagi harбий bulimlari-larda xizmat qiladigan jan-gi-lar, oliy ukuv yurti talabarlari bilan urashuvlar utkazishdi.

A'ellarning jamiatdagi ijtimoiy mavkenini oshirish, e'ish avlodni iuxsak ma'naviy ruxda tarbiyalash ishini iuxsalitirish maksadida Хотин-кизалар kumitasi va «Maxalla» jamgarmasi bilan birgalikda «Mukarrama a'el» respublika k'rik-tanlovi utkazildi.

U'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Qatag'on kurbonlarini edi etish kunini belgilash tug'risida» gi 2001 yil 1 mayda Farmoni ijtimoiy-si'esi-y va ma'rifiy jihatdan muhim axamiyatga ega.

Jamgarmaning Fargona viloyati bulimi tomonidan 500 dan ortiq qatag'on qilingan vatandoshlari-miz aniklandi. Ommaiy axborot vositalari bilan xamkorlikda qatag'on iyllarida kurbon bulgan, haq iylidagi shaхid ketgan, xali nomi xam tiklanmagan yurtdoshlarimiz-nining hotirasini e'dga oluvchi tele-k'rsatuv va radioeshittirishlar tashkil etildi. Viloyat miq'asida «Inson hotirasini muxaddas» tanlovi utkazildi.

Jamgarmaning Buxoro, Samarqand va Toshkent viloyati bulimi viloyat «Shaxidlar hotirasini» jamgarmasi bilan xamkorlikda qatag'on kurbonlarining oilalarini aniklash va ularning ha'et iyllarini ommaiy axborot vositalari orkali keng jamoatchilikka etkazish maksadida katta ishlarini amalga oshirmoxta.

2002 yilning Qariylarni qadrlash yili, deb e'lon qilinishini

— Dastur yuzasidan Qoracalpo-giston Respublikasi, viloyatlar, Toshkent shahar hokimligi tomonidan keng qamrovi aniq tadbirlar ishlab chikildi.

Prezidentimiz ta'yikdaganlar-ri-dek, «Biron-bir kekse inson davlat va jamiat e'tiborida chetda kolmasligi, хеч qachon uzini elgiz xis etmasligi lozim».

«Nuroniy» jamgarmasi Davlat

li shifoxonani qayta ta'mirladi. 80 mingdan ortiq urush va mexnat faxriylari, nogironlar, yakka-elgiz, mexr-muruvvatga muxtoj keksalarga 142 mln. sum moddiy e'dam kursatildi.

— *Erkin aka, kegalilik meхnat faxriysi Allani'e oganning saховати хususida k'p zishgan-man. Шу yurinda oganning хimmatlari haqida gazetxonlariga gap-*



Onalar dуси ijobat bulay.

dasturidagi tadbirlarni bajarish b'uyicha 2002-2005 iyllarga mi'jal-langan Xarakat dasturini kabul kil-di. Davlat dasturida «Nuro-niy» jamgarmasi xodimlari zim-masiga juda muhim va mas'uliyat-li vazifalar yuklatilgan.

Ma'lumki, хozirgi kunda mam-lakatimizning bir qator amaldagi k'onunlari va hukumat qarorlariga k'ura, pensionerlar, urush qatnash-chilari va nogironlariga tegishi imtiyozlar belgilab k'uyilgan. Jum-

Suxbatdosh: Zaynidin MAMA DALIYEV

«ХУҚУҚ» ПОЧТАСИДАН

мактублар
шикоятлар
жавоблар

Жавоб

«Ҳақимизни қачон беришади?»

«Хуқуқ», 6-сон, 2002 йил

Мақола юзасидан вилоят прокуратураси текшириш ўтказди.

Ундаги «Утган йили май ойидан бошлаб то шу кунга қадар иш ҳақимизни ололмаямиз» деган вазлр тасдиқланмади. Бироқ «Сирдарёпахтасаноат» бирлашмаси тизимидаги Гулистон пахта заводидида ишчи-хизматчиларга 2001 йилнинг декабрь, 2002 йилнинг январь ойлари учун иш ҳақи берилмаганлиги маълум бўлди.

Вилоят прокуратура идораларининг аралашуви билан «Пахтаобод» пахта қабул қилиш пунктида ишлаётган ишчи-хизматчиларнинг 4900700 сўмлик иш ҳақлари тўлиқ тарқатилди.

Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаганлиги учун «Сирдарёпахтасаноат» бирлашмаси бошлиғи Т.Бозорбоев, бош ҳисобчиси Д.Бойжўзиев ҳамда Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг раиси Р.Мирзаевага нисбатан МЖТКнинг 49-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзғатилди.

А.ШАМСИКУЛОВ,

Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Шикоят

Маошимизни тўлиқ тўлашсин

Хурматли таҳририят! Биз 2000 йилдан бошлаб Беруний туманидаги Ў.Жуманиёв номи ДФХУда ишлаб келаямиз. Бузунги кунга қадар пахта, бундой, пилла режаларини бажаришга ҳиссамизни қўшиб келсак-да, иш ҳақимизни тўлиқ ологанимиз йўқ.

Жумладан, ўтган йили 5 октябрдан кейин терган пахта пулимизни ҳалигача беришмаган. Ҳайронимиз, ҳар йили режа ортиғи билан бажарилса-да, тушган фойда нималарга сарфланмоқда?

Бизга натура ҳолида ёғ, кунжара беришганда ведомостдаги рақамлар қалам билан ёзилади. Бу ҳам, назаримизда, шубҳалидир.

Сизлардан илтимос, бизга 2000 ва 2001 йиллари қанча иш ҳақи ҳисобланиб, қанчаси натура ҳолида тўланган деган саволга аниқлик киритиб, тўланмаган иш ҳақимизни олишда ёрдам берсангиз. Чунки раҳбарларимиздан аниқ жавоб олиш қийин.

Жумабой САПАРБОВЕВ,
Амат САПАРНИЁЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани

Мулоҳаза

Хоҳишингиз борми?

Баъзан ҳаётда бир-бирини инкор қилувчи ҳолатларни кўриб, таажубга тушаман. Сигарет чекиш масаласини олайлик. Айрим ўқитувчилар дарсда болаларга чекишнинг зарари ҳақида куйинчаклик билан гапиришади-ю, танаффусда ўзлари чекишади. Газеталарда бу ҳақда катта-катта мақолалар чоп этилади-ю, телевидениеда, кўчаларда сигаретнинг янги-янги турлари реклама қилинади. Энг ажабланишли шуки, ҳўп, чекиш соғлиқ учун зарарли экан, нега сигарет ишлаб чиқариш дунё микёсида ортса ортаятики, камаймаяпти? Бу фикрни «чекиш» билан ёнма-ён ишлатиладиган «ичиш» сўзига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Нахотки чекувчилар ўзи ўтирган шохни ўзи арралаётган киши ҳолатида эканликларини англмасалар?..

Ушбу саволларнинг жавоби масалага чуқурроқ киришни талаб қилади, бироқ бунга хафсалам йўқ. Юсуф Мусев билан Жаҳонгир Шарофбоевнинг гийҳвандлик ҳақидаги «Мудҳиш сафар» мақоласини («Хуқуқ», 14-сон) ўқигач, ушбуни ёзишга қарор қилдим. Менимча бу каби иллатларга қарши курашиш учун кишида аввало хоҳиш бўлиши лозим. Хоҳиш бўлсагина бир кунмас-бир кун кўзланган мақсадга эришилади.

Элмурод МАҲМАРАЙИМ ўғли,
Самаканд вилояти
Нуробод тумани

Илҳом

ОНАЖОН

Юзингиздан ёғилар нур,
Мехри дарё, қалби пок.
Сўзингиздан томади бол,
Онажоним сиз менинг.

Кечалари алла айтиб,
Бедор ўтказиб тунни,
Бизни ўйлаб куйиб, ёнган
Мехрибоним сиз менинг.

Ишнимизда доим бошсиз,
Гуллагасиз жаҳонин.
Онлада ой, йурпошсиз,
Жонажоним сиз менинг.

Шаҳноза МАТНИЁЗОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги 27-мактабнинг
9-синф ўқувчиси

Фикр

Дилга яқин

Хурматли таҳририят!

Мен «Хуқуқ» газетасини илк сонидан буён ўқиб бораман. Газетадаги «Жиноят ва жазо», «Қилмиш қидирмиш», «Журналист текшируви», «Прокурор сўз сўрайд» руқиларидаги мақолаларни курсдошларимиз билан муҳокама қиламиз. Менга газетанинг кейинги сонларида чоп этилган «Уйин» ва «Ёлпасига бекор қилинган шартномалар» номи фельетонлар ёқди. Сабаби, журналистлар жамиятимиздаги оғриқли муаммони газетага олиб чиққан. Бизни ажаблантирганни, бу фельетонларга мутасадди ташкилотларнинг муносабати берилмаяпти. Нахотки жамиятимизда инсон тақдирига шунчалик лоқайд кимсалар бўлса. Ўйлашимизки, таҳририят бу мавзуларга яна қайтади. Газета кейинги пайтларда қонун шарҳларига эътибор берапти. Агар газетанинг ҳар бир сониди «Қонунни шарҳлаймиз» руқнида мақолалар мунтазам бериб борилса ва машҳур кишилар билан суҳбатлар уюштирилса «Хуқуқ»нинг муштарийлари янада ортади.

Баҳодир УМИРЗОҚОВ,
Тошкент кино коллежи талабаси

Тақлиф

МУҚОБИЛ ИШ ЮРИТИШ НОРМАСИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛСА...

XXI асрга Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасидаги улкан ислохотлар билан қадам қўйди. Бу соҳадаги ислохотлар адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятига оид қонунлари ҳам уйғунлаштириш, янгича назар билан қараб чиқишни тақозо этади.

Адвокатура нодавлат, нотижорат ташкилот сифатида ўз фаолиятини шу соҳада қабул қилинган қонунлар асосида ташкил этади. Янги қонунчиликка биноан фуқаролар ҳамда юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган адвокатлик бюралари, адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Айтмоқчимизки, адвокат ҳар қандай ишда сизга ҳамкор ва ҳаммаслак бўлиши мумкин. Юртбошимиз 1998 йил 5 декабрда Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқиди фуқаролар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётда ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлишлари лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Кўриниб турибдики, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини янада кўтариш муҳим омил ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, адвокатура давлат органлари — суд, прокуратура, маъмурий идоралар билан мувозанатни сақлаган ҳолда ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун кенг жалб қилиниши лозим. Адвокатуранинг ҳуқуқий институт сифатидаги мақомини аниқ белгилаб олиш учун амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш керак, деб ўйлайман. Масалан, кўпгина хорижий мамлакатларда сурштирув ва тергов ишлари ҳам терговчилар томонидан, ҳам адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Суд муҳокамасига далиллар билан асосланган бири айблов, иккинчиси оқловга йўналтирилган иккита иш тақдим этилади. Қайси томоннинг тақдим этган иши ҳужжатлар ва ашөөвий далиллар билан тасдиқланса, суд ҳукми учун шу иш асос қилиб олинади. Амалдаги процессуал қонунчилик адвокатларимизга ишга дахлдор бўлган ашөө далиллари тўплаш, тақдим этиш ва тегишли тартибда суд-тергов ишларида қатнашиш ҳуқуқини мустақамлаган. Бироқ адвокат ўзининг ҳимоясидаги шахснинг илтимоси ва талабига кўра сўроқ, юзлаштириш, экспертиза тайинлаш каби муҳим процессуал ҳаракатларни олиб бориш ҳамда унинг айбlilik ёки айбисizлик даражасини етарлича аниқлаш имкониятига эга эмас.

Шундан келиб чиқиб қонунчилигимизда давлат айбловчиси ва ҳимоячининг муқобил иш юритиш нормаси белгилаб қўйилса, бу биз кураётган ҳуқуқий демократик давлат сиёсатига мос бўлар эди.

Бехзод МҮМИНОВ,
ТДЮИ 2-босқич магистри

Муносабат

Холислик зарур

Хурматли таҳририят! Ҳуқуқий мавзуларга қизиққанам учун ҳар йили «Хуқуқ»га обуна бўладим. «Ҳуқм ўқиди», «Бир жиноят тарихи» руқиларидаги суд очерклари мени аниқса қизиқтиради. Аммо уларнинг кўпчилигида асосан эркаклар жиноят жазога тортилганлиги хусусида сўз юритилиши кишини бироз ажаблантиради. Узингиз ўйлаб кўринг, хотиннинг тили заҳар бўлмаса, эс-ҳуши жойида бўлган эр бекордан бекорга унга қўл кўтармайди-ку. Хотин киши ҳар кун «анави йўқ, манави йўқ, уни олиш керак, буни олиш керак», деб эрнинг қулоғини қоқиб қўлига бермаса, эркак ўзини турли қинғир ишларга урмайди. Мақсад шуки, жиноят тарихи баён қилинганда уни келтириб чиқарган сабаблар очиқ-ойдин ва холислик билан очиб берилса, уларнинг тарбиявий таъсири янада кучлироқ бўлар эди.

Искандар РАШИДОВ,
Оқтош шаҳри

Тақид

ИНКОР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳар кун иш вақти тугашига яқин бу ерда юзлаб одам тўпланиб қолади. Бирон-бир томоша кўрсатилса керак-да деган хаёлга борган бўлсангиз хато қиласиз. Улар Тошкент шаҳридаги 69-йўналиш бўйича қатновчи автобусни кутаётган йўловчилардир. Гап метронинг «Чилонзор» бекатидан чиқишда, шундоққина «Чилонзор» бозори ёнида жойлашган бекат хусусида кетмоқда. Кейинги бир-икки ой ичиди одамлар мазкур йўналишдаги автобусларни ярим соатлаб, ҳатто ундан ҳам кўп кутиб қолишяпти. Бу аксарият йўловчиларнинг, аниқса ойлик чипта сотиб олган йўловчиларнинг манфаатларига зиддир. Чипта сотиб олгач, автобус келавермагач, бекатда тураётган бўлиб турган маршрутли таксиларга чиқиб манзилга етиб олиш кишига малол келар экан.

Бундан ташқари, «Шухрат» магазини бекатигача етиб олиб, у ёнча троллейбус билан кетмоқчи бўлган йўловчилардан бир бекат учун

182-, 187-автобусларда ойлик чипта ўтмайди, деган баҳонада қўшимча пул олишади. Шу ҳам адолатданми? Ахир, биз шаҳардан ташқарига чиқмаймиз-ку! Бунинг устига, ойлик чипта учун тўлаган пулимиз ой бошланмасдан туриб, «Тошшаҳарйўловчилар» газнасига тушган бўлса...

«Чилонзор» бекатида келиб тўхтаган автобусларнинг 10-15 минут жойидан қимирламай туриши одат тусига кирганки, у ёни нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Йўловчи билан ҳайдовчилар ўзаро терг гапиришган, орқадаги автобусларнинг сигнали қулоқни қоматга келтирган, бунинг устига майда-чуйда сотувчиларнинг қатор туриб олишлари туфайли бекатда юришга жой йўқ...

Шундай пайтларда хаёлга бечисётёр бир фикр келади: қанийди «Тошшаҳарйўловчилар» раҳбарлари ҳам шу ерда биз билан автобус кутиб кўрса эди...

Хусан НИШОНОВ,
журналист

● ПРОКУРОР — ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИНГ ҲИМОЯЧИСИ

Ўзбекистон Конституциясида халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркинлик ва ижтимоий адолат тўғрисидаги кўп аслик орзулари ўз ифодасини топган. Асосий қонунимизда мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тизимларининг умумэътироф этилган халқро тамойилларга мувофиқлиги ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликларининг ҳуқуқий ҳимояланганлиги тўла ақс этган.

ФУҚАРОЛАРНИНГ конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари муҳим роль ўйнайди. Улар қонун билан ўзларига берилган ваколатлар доирасида фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини гайриқонуний таъвозулардан муҳофаза қилишни таъминлаш чораларини кўришлар. Зеро, бу энг асосий тамойиллардан биридир.

Қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Асосий қонун меъёрига ва тамойилларига мос келишини таъминлаш барча давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга қатъий амал

қилиши лозим.

Шу ўринда гарб мамлакатларида бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фуқаролар, асосан, судга, бизда эса аксарият ҳолларда прокуратурага мурожаат этиши сабабларига тўхталиш ўринлидир.

Ортимизда деярли барча туман ва шаҳарларда прокуратура идоралари билан бир қаторда судлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Аммо, фуқароларимиз аксарият ҳолларда бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун прокуратурага мурожаат қилади. Бунга сабаб, асосан, суд тартибда аризаларни ҳал этишдан фарқли ўлароқ прокурор аргўйининг шикоятини анча тез қабул қилиб текшириши ва чора кўриб, дарҳол жавоб бериши бўлса керак.

Суд процессуал тартиб-қоидаларга, жиний ва фуқаролик ишларини кўриш графикаси ва навбатига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатади. Шунинг учун кўпчилик фуқаролар соғлиги, ёши, вақти ва бошқа имкониятлари доирасида судга белгиланган тартибда мурожаат қилишга ботина олмайдилар. Бунда адвокат ёллаганининг нисбатан қимматлиги, малакали адвокатларнинг етишмаслиги ҳам назардан тўтилмоқда. Прокуратура эса, фуқароларнинг манфаатларини сарф-харажатсиз, ариза берувчининг бевосита иштирокисиз муҳофаза этиш имкониятларига эгадир.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурорга судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқининг мустақиллиги унинг мавқеи янада мустақамланганлигини далolat беради.

Прокурорнинг даъво аризаси жаберланганларнинг манфаатларини кўзлаб судга ёки хўжалик судига тақдим этилади. Судда прокурор тақдим қилган аризасини қувватлайди ва ўз ваколатлари доирасида бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ва қонунбузарликнинг содир этилишига шарт-шароит яратган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

2001 йил давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш мақсадига Бош прокуратура томонидан маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган қонунга зид бир қанча норматив ҳужжатларга умумий назорат тартибда протест келтирилиб, бекор қилинди. Қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Фуқароларнинг қонун билан кўрикланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари кўпол равишда бузилганлиги ҳолатлари бўйича эса жиноят иши кўзга тилиди. Бу йўналишдаги фаолият анча самарали кечмоқда. Бунинг натижасини прокуратурага фуқаролар томонидан келиб тушган шикоятларнинг миқдоридан ҳам билса бўлади. 2000 йилда жами 64744 та шикоят келиб тушган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 54754 тани ташкил этган. Демак, прокуратуранинг самарали фаолияти натижасида шикоятлар сонин анча камайди. Лекин бу борада ҳар бир қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан қатъий ва принципиал таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш керак. Шундай экан, прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги ишида янада фаол бўлиш талаб қилинади.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

қилиши лозим.

Шуни афсус билан айтиш керакки, истеъмолчиларнинг ўзи, энг аввало, санoат корхоналари ҳам газдан тежамкорлик билан фойдаланмайпти. Газдан қонунсиз равишда фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди. Масалан, республика бўйича ўтказилган текшириш натижасида жами 12000 дан ортик теплицаларнинг қонунга ҳилоф равишда газ билан таъминлангани аниқланди. (Президент Ислам Каримовнинг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақулялари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган путқидан).

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛСА...

УЙНИГЪИЗГА мехмон келган. Сухбат қизиқтирипти, телевизоргинда эса кўнгилчор кўрсатув авжيدا. Шу пайт чироқ лип этса-ю ўчса, мехмон олдида қанчалек хижолат бўлибди. Бу ҳам етмагандек, хотининиғиз кирса-ю, «ада-си, ошни энди дамга солган эдим. Аксига олиб газ ҳам ўчиб қолди-я», деса...

Шунда энг аввало чироқни, кейин эса газни ўчирган одами сўкшилингиз тайин. Аммо, электр пулини ва газ ҳақини охириги марта қачон тўлаганиғизни хатто эслай олмайдилар. Бу билан кўпчилик электр ва газ ҳақини тўламайдилар, дейиш фикридан йироқимиз. Бирок, айримлар «бугун бўлмаса, эрта тўлаймиз, қочиб кетаримдик», дея ўзини оқшайдилар. Лекин ҳамма нарсанинг ўз вақтида бўлганига нима етсин.

Ташкент вилоят прокуратураси органлари мутахассислар иштирокида вилоятда табиий газдан фойдаланиш тартибини белгилувчи қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда жорий йилнинг январь-февраль ойларида истеъмолчилар учун 540 млн. м³ табиий газ ажратилган ва «Тошвилоятга таъминот» шўба корхонаси томонидан 8,8 млн. м³ ортиқча газ етказиб берилган.

Ана шундай бир пайтда «Тошвилоятга таъминот» шўба корхонаси тизимидagi мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолатлари йўл қўйилмоқда.

Жумладан Чиноз туман прокуратураси томонидан И.Охунбоев номи ширкат ҳўжалигида йшовчи фуқаро Б.Мадировга нисбатан ЖКнинг 229-моддаси бўйича жиноят иши кўзга тилиди. Сабаби, Б.Мадиров иссиқхонасини ноқонуний равишда табиий газ билан иситиб, давлатга 644 миғг сўмлик зарар етказган.

Қибрайлик Б.Мирзев ҳам яхши ният билан тадбиркорлик қилмоқчи бўлиб, хусусий автомобилларни ювиш шахобчаси ташкил қилади. Бирок, у тегишли руҳсатсиз корхона-сига табиий газ қувурини тортиб олди. Оқибатда иш судга ошди. Шу йил 10 мартдан 28 мартга ҳуқаролар 20 та ҳолатда иссиқхоналарда газдан ноқонуний равишда фойдаланиб, давлатга 4097000 сўм зарар етказганлиги аниқланган. 14 ҳолат бўйича 485000 сўм зарар айбдорлардан ундирилди.

Ҳақли савол туғилади. Нима учун бундай ноқонуний ишлар содир қилинмоқда? Албатта, бу ишларнинг авж олишига газ таъминоти билан шуғулланувчи мутасаддиларнинг ҳам айби бор. Шаҳар ва туман газ идоралари газ ҳақини ундиришининг қонуний чораларини кўришмаган. Оқибатда «Вилоятга таъминот» шўба корхонаси бўйича аҳолининг газ ҳақидан қарзи жорий йилнинг 1 мартигага 1 млрд. 455 млн. сўмдан ортган. Бундай лоқайдликлар ушбу соҳа корхоналарининг иқтисодий аҳолига ҳам салбий таъсир қилмоқда.

Биз бу мавзуда яна кўп далиллар келтиришимиз, мулоҳазалар юртишимиз мумкин. Бирок соҳада туш буюрилиш бўлиши учун биринчи навбатда барчамиз газ ҳақини ўз вақтида тўлашимиз лозим. Кимки табиий газдан ноқонуний фойдаланилаётганини кўрганда, виджонига хиёнат қилмай давлат маблағи ўғирланаётганини ўша фуқарого тўшунтирса, уни бу йўлдан қайтарса, бундан жамиятимиз ютади. Чунки ўғирлик, нопоқлик бор жойда кул-барак бўлмайди.

ШУҚУР АҲМЕДОВ,
Тошкент вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори

АСОСИЙ ЙўНАЛИШ ЗЪТИБОРДА

қилишларини талаб этади. Қонунларга риоя этилишини, уларнинг ижросини назорат қилишни таъминлашга туриб, бу вазифаларнинг бажарилишига эришиш мумкин эмас. Конституциямизнинг 118-моддасига кўра, Ўзбекистонда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни мамлакат Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгилаб қўйилган.

«Прокуратура тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустақамланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат», деб белгилагани фуқаро ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда прокурорлар томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилишини тақозо этади.

Қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура фаолиятининг мустақил йўналиши даражасида белгилагани, шунинг

остидаги ташкилот ҳужжатларига, мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтиришга, қонунда белгиланган тартибда жиний, интизомий, моддий ва маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар кўзга тилишга, ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамасига топиришга, мансабдор шахслар ва фуқароларга қонунбузарликлар содир этмасликлари хусусида ёзма оғохлантириш беришга, қонун бузилиши содир этилишига сабаб бўлаётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга, фуқаронинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида судларга ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат қилишга, Конституциявий судга прокурорлик назорати амалга оширилмайдиган давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг норматив ҳужжатлари Конституцияга мос эмаслиги хусусида мурожаат қилишга ҳақлидир. Жабрдийда соғлиги, ёши ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаса ёхуд ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий аҳамияти гоят юкори бўлганида прокурор жаберланганлар манфаатларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси билан мурожаат

● ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

ТАЪЛИМ — ИСТИҚБОЛ ПОЙДЕВОРИ

ПРЕЗИДЕНТ Ислам Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруди билан учрашувда шундай деган эди: «Бугунги кунда олдий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак олдимизда турган энг муҳим саволларимиз — мамлакатимизнинг буюк келахақи ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамокамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам, буларнинг барча-барчаси, авваллабор, янги авлод, унб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб воёга етишига боғлиқдир». Таълим ва тарбиянинг, кадрлар тайёрлашнинг мийлат, халқ, мамлакат истиқболда тугган ўрнига бундан ортик таъриф бериш мумкинми? Биз зағу мақсадлар билан ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини туғдик. Бу жараён ўз-ўзидан эълоиларга, хусусан, мураббий-ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият юқлайди. Зеро, ислохотлар, юртбошимиз таъбири билан айтганда, тафақкур ва онгдан бошлангани зарур.

Янги ўлиш имоиз, собиқ Иттифоқ даврини эслаб ўтайлик: маъмулоти мутахассислар сонин орқасидан қувилш ва сифатнинг оқсани нимага олиб келди? Ҳусобсиз оллий маъмулотилар бўла туриб, жамиятда дастлаб турғулик, кейин эса орқага кетиш жараёни юз берди. Албатта, шўро таълимнинг ҳам иқобий томонлари бўлган, бунинг инқор этиб бўлмайди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини элол қилиши билан бошқа муҳим соҳалардаги каби таълим соҳасида ҳам чуқур ислохотларни бошлаб юборди. Истиклолнинг иқобий йилидаёқ экин тўзум таълим сўсийнинг ютқув камчиликларидан хулосалар

ясалган ҳолда «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Катта авлод вақилларига яхши маълуки, собиқ шўролар даврида ҳам таълим соҳасида бир неча бор ислохотлар ўтказилган, лекин кутилган натижаини бермаган эди. Собиқ совет маорифи жаҳон стандартлари талабларига жавоб бермай қолди. Умумий, урта махус ва оллий таълим тизимида унлиқсимликнинг таъминланмагани, ўқувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олилмаганлиги, энг ачинарлиси эса, ёш авлоднинг мустақил фикрлашдан узоқ тутилиши шулар жумласидандир.

1997 йилга келиб қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги янги қонун ўзининг муқамаллиги билан юқридаги камчиликларга барҳам берди. Унинг 1-моддасида шундай дейилган: «Ушбу қонун фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилгандир». Мазкур қонунга кўра, таълим Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида устувор соҳа дея эълон қилинди.

Ортимизда олиб борилаётган ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари учун экан, таълим жараёнидаги ислохотлар ҳам ўз фидойиларини, Ватан тараққийети, эл-юрт фаровонлиги учун ёниб яшаётган инсонларнинг ягона мақсади йўлида жиҳсдашишни талаб этади. Зеро, бугунги таълим-тарбия истиқболимиз ва эртанги нурашшон қунларимиз пойдеворидир.

К.НУРМАТОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ ЙИГИЛИШИДА
ГАПИРИЛГАН ЭДИ

ҲАММАМИЗГА ТЕГИШЛИ ГАП

ДЕҲҚОНЛАР ўртасида қадимдан қолган «Ер — бойлик» деган мақол бор. Ишлаган одам учун ер ҳақиқатдан ҳам ҳазина. Мамлакатимизнинг табиий иқлими ва жойлашган ўрни шунга имконият берадики, деҳқонларимиз ер юзидagi деярли барча ўсимликларнинг уруғини экиб ё дарахт кўчатини ўтказиб, мўл ҳосил етиштириши мумкин. Аммо сўз юритмокчи бўлаётганимиз бошқа масала.

Замонлар айланиб шундай давр келдики, фан-техника тараққиёти туфайли «Ер — бойлик» деган мақолнинг мазмун-моҳияти 150-200 йил олдингисига нисбатан ғоят даражада кенгайиб кетди. Сезаётган бўлсангиз керак, гап ер ости бойликлари ҳақида кетмоқда. Уларнинг умумий сони-ю салмоғи ўёқда турсин, биргина турларнинг ўзига тўхталгани ҳам анча вақтимизни олган бўлур эди.

Цивилизация бугун шу даражага етиб келдики, тўрт-бешта давлат юритаётган сийёсат дунё иқтисодиётига сезиларли равишда таъсир қилади. Мисол учун, ОПЕК (Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти)га аъзо давлатларнинг жаҳон бозорига маҳсулот нархини кўтариш учун нефть экспортини бир неча фоиз камайтириши ўтган йили ёзда Европа мамлакатларида қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Негаки, бугунги халқ ҳўжалигини нефтьсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Деярли барча мамлакатлар учун нефть ҳозирча асосий энергия манбаиличига қолмоқда. Жумладан, Ўзбекистон учун ҳам.

Мамлакатимизнинг энергия манбалари ҳақида гапирганда нефть ва газга алоҳида тўхталishi жоз. Ўзбекистонда разведка қилинган нефть ва газ захираларини рақамларда ифодаламоқчи бўлса тўққиз хонали сонлар ҳам камлик қилади. Айни дамларда фойдаланилаётган қонлар эса мамлакат эҳтиёжидан ортиб, маҳсулотни хорижий давлатларга экспорт қилиш имконини беради. Оллоҳ таоло халқимизга шундай марҳамат қилган. Аммо берган нъматини исроф қилсак, ундан ҳўжасизларча фойдалансак, оллоҳ рози бўлармикан?

Гап шундаки, пойтахтимизнинг Мирзо Улўбек туман прокуратураси томонидан мутахассислар жалб қилинган ҳолда туманда Ўзбекистон Республикасининг табиий газдан фойдаланиш тартибини белгилувчи қонунлари ижроси юзасидан текширув ўтказилганда киши таъбини хира қиладиган бир қатор фактлар аниқланди. Жумладан, А.Иқомов кўчаси 4-ўйда жойлашган «Hojat bilan» уй-ўй мулкдорлари шirkати ходимлари 2001 йил 4 октябрдан 2002 йил 22 январгача тегишли рухсатномасиз, ўaboшимчалик билан 3 та сув иситиш қозонини газ тармоғига улаб, ишлаштирилган. Шirkат 110 кун мобайнида 7648,3 м.куб газдан фойдаланиб, давлатга

70976 сўм миқдорига зарар етказган. Х.Абдуллаев кўчаси 142-ўйда жойлашган «ROBBO» хўсусий фирмасига қарашли дўкон раҳбари Л.Гребеншикова ҳам шу тариқа 4 кўзали газ плитасини тармоққа улаб, 2001 йил 1 июндан 2002 йил 18 январгача ишлаштирилган. Бу даврда у 4697 м.куб газдан фойдаланиб, давлатга 43589 сўм миқдорига зарар етказган. Афсуски, бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам айбдорлар зарарни ўзи иштиёрлари билан тўлаган бўлсалар-да, оғир-оғир хаёлларга чўмасан киши. Гап фақат пудлами? Раҳбарлар, атрофдагилар, ҳатто туман газ таъминоти бўлими ходимлари мазкур ҳолатларга бу қадар бефарқ бўлмасалар. Ривожланган ҳўқуқий-демократик давлат энди йўлидан бораёғимиз. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам шу. Бирок Президентимиз таъкидлаганидек, аввало инсонларнинг онги-тафаккурида ўзгариш бўлиши керак. Йўқса, мақсадга эришиш қийин. Юқорида тилга олинган ҳолатлар эса на ҳўқуқий муносабатлар, на демократия талабларида мос келади. Бу аҳволда ривожланиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Оддийгина туюлгани билан уйингизда беҳуда ёниб турган газни ўчириб қўймак мамлакат иқтисодиётига қанча зарар етказётганингизни, энг асосийси, мактабдан меҳнатсевар халқи, улкан табиий ресурслари маъжудлиги учун Ўзбекистоннинг келажаги буюк дея талим олиб қайтаётган фарзандларингизнинг дунёқарашига, бу билан миллий истиқлол мафқурасига заҳа етказиб қўяётганингизни ҳеч ўйлаб қўрганмисиз? Шу маънода, Президентимиз Ислоом Қаримов Вазирлар Маҳқамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишида (14 февраль) ушбу масалага алоҳида тўхталгани, 28 март кўни эса Вазирлар Маҳқамаси «2002-2004 йилларда уй-жой фондиди газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилгани бежиз эмас.

Айтдиларки, бойликка бойлардай муносабатда бўлмоқ керак. Ҳозирги замон нуқтаи назаридан бу бир тийин устида ўлиб-тирилишни эмас, ўша тийинни оқилона сарфлаб, унда келгуси авлодларнинг ҳам ҳаққи борлигини англашни билдиради. Бу гап ҳаммамизга, Ўзбекистон бойликларининг барча турига тегишли.

**Баҳром ИРМАТОВ,
Мирзо Улўбек туман
прокурорининг катта ёрдамчиси**

Вазирлар Маҳқамаси йиғилишида газ, электр энергияси ва сувдан фойдаланишда қонун бузилишлари йўл қўйилаётганлиги юртбошимиз томонидан қаттиқ танқид остига олинган эди. Бундай қонунбузарликларни бартараф этишда прокуратура идоралари зиммасига катта вазифа юклатилган.
Суратда: **Мирзо Улўбек тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Ирматов, прокурор ёрдамчиси Г.Рўзиева билан бу борада туманда амалга оширилган ишларни муҳокама қилмоқда.**
Сурат муаллифи: А.ТўРАЕВ



Ҳақиқатда «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китоби билан танишиб чиқдим. Унда она-Ватан байроғини боши узра баян қўйиб кўрсатган, хизматлари жаҳон миқёсига эътироф этилган ёшларимиз, шунингдек, Президентимиз стипендияси, Зулфия ва «Ниҳол» муқофотларига сазовор бўлган энг иқтидорли йигит-қизлар ҳақида ҳикоя қилинган экан. Тўғриси, ушбу китобни ўқиб туриб, қалбим ифтихор туйғусидан жўшиб кетди. Мустақиллик йиллари бесамар кетмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Истиқлол ниҳоллари энди-энди мевага қираётганига дил-дилимдан ишондим.

БУГУН дунёнинг турли бурчларида бўлиб ўтаётган нуфузли илмий анжуманларда, жаҳон чемпионатлари ва халқаро кўрик-танловларда қўлини кўксига қўйиб даврага чиқиб келаётган очиқ чеҳрали йигит-қизларни чет элликлар диққат-эътибор, ҳурмат ва эҳтиром билан кузатишади.

Бўшлар, қаерда бўлмасин, Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас Ватан шарафини ҳимоя қилишади. Уларнинг ҳасос ижрочилик маҳорати, ажойиб асарлари, ноёб илмий кашфиётлари билан барчани ҳайратга солаётган, голиблик шоҳисига юрт байроғини боши узра баян қўйиб, она диёр доғруғини етти илгимга таратаётган музаффар йигит-қизларимиз билан бугун ҳар қанча ифтихор қулсак арзийди.

Биз оловқалб ёшларимиз билан фахрланамиз. Зеро, кейинги юз йилликларда ҳеч қайси авлодга бугунгидек улғу имкониятлар яратилмаган. Бирок шולי курамакисиз бўлмайди, деганларидек, минг афсуски бу маҳмўрликларни қадрламайдиган ёшлар ҳам учраб туради. Яқинда вояга етмаганлар ўртасида ичкиликбозлик, гиёвандликка қарши қаратилган қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказиб, аҳволни таҳлил қилиб чиқдик. Айрим ёшларнинг гулдай умрини елга соғураётганини кўриб «эссиз ёшлик» дегинг келади. Чўнки бу ёшлар ҳам яхши инсон бўлиб етишишлари учун ҳамма имкониятга эга эдилар...

«Бахт» маҳалласида яшовчи вояга етмаган С. Боймуродов спиртли ичимликни кўп истеъмол қилиши натижасида касалхонага ётқизилган. Энди ҳулосани ўзингиз чиқаринг. Ҳали она сўти оғзидан кетмаган Санжарнинг бу ҳолга тушишига унинг ота-онаси ҳам айбдор.

Халқимизда бир кўзни тарбиялашдан кўра минг кўйни боқиш осон деган гап бор. Бу нақдда чўқур мантқ бор. Қизларгул ҳам яхши тарбия тоғганида қизларнинг гули бўлиб юриши мумкин эди. У ҳали 18 ёшга кирмай ўз номига доғ туширди. Муқаддам ўқирлиқ содир қилиб судланган қарамасдан, бундан ҳулоса чиқармади. Энг ачинарлиси, атрофдагилар уни тўғри йўлга солиш ўрнига томошабин бўлиб туришган. Оқибатда Қизларгул ичкиликбозлик йўлига ўтган. Ўзбек оиласи учун бундай ҳолинг қанчалик уят эканлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Туман прокуратурасида вояга етмаган С. Боймуродов ва Қ. Мусулмоновнинг ноқўя хатти-ҳаракатлари ўрғаниб чиқди. Икки ёш оғоҳлангирлиб, уларнинг келгусидаги фаолияти юзасидан туман ҳўкимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига тақдимнома киритилди.

Туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бир қатор профилактика ишлари қўрилди. Кейинги пайтларда мактаб ва лицейларда прокуратура ходимлари билан юзма-юз мулоқотларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ш. Қорақўлов номли 16-мактаб ўқувчиси Н. Одилонинг қилмиши муҳқама қилиниб, жиноятнинг сабаби таҳлил этилди.

Бугунги кўнда мамлакатимизнинг қайси бир туманига борманг, дид билан курилган касб-ҳўнар коллежлари ва лицейлар биносига кўзингиз тушади. Бундай биноларнинг қурилиши келажак авлодга умид билан қаралаётганидан далалатдир. Афсуслар бўлсинки, айрим ёшларимиз билдирилган ишончни суиистеъмол қилмоқда. Туман агробизнес коллежи талабалари С. Зоқиров билан Б. Тайлоков тўнда фўқаро И. Тоғаевнинг уйига кириб, 250 минг сўмлик молни ўғирлаб кетган. Жиноятчилар ушланди. Энг ачинарлиси, катта ҳаёт бўсағасига қадам қўяётган ёшлар «ўғри» деган ном олшиди.

Асосий қонуимизнинг 64-моддасида «Ота-оналар фарзандларини вояга еттунарлига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур» эканлиги белгилаб қўйилган. Бирок, айрим ота-оналар ўз бурчларини унутиб қўймоқда.

Вояга етмаганларнинг таълим-тарбия олишига қаратилган қонун ижроси юзасидан ўтказилган текширишда бунга ишонч ҳосил қилдик. Фарзандлари тарбияси билан шуғуллалмаганлиги учун 14 нафар ота-онага МЖТКнинг 47-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилди.

Иқдорларимиз инсон умрининг ёшлик даврини баҳрора, зангори фаслга қиёс қилишади. Инсон умрининг энг гўзал бағри — ёшлик. Ёши бир жойга борганда киши ёшлик даврини ширин энтиқиш билан эслайди. Вояга етмаган М.Бегматов аъзамас нарса учун ўз жонига қасд қилади. Ушбу воқеанинг сабаблари туман прокуратураси томонидан таҳлил қилинди.

Ёшларнинг ҳаётга тайёр эмаслигига ота-оналарнинг ҳам айби бор, деб ўйлайман. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик сабаблари таҳлил қилинганда кўпгина маҳаллаларда ўғирчилик жинояти ортиб бораётгани кузатилди. Айрим ота-оналар фарзандларининг тўнда қаерда, қим билан юрганани билишмайди. Билганлари ҳам «биронга ўртоғининг уйида бўлса керак» деб ўйлаб, лоқайдлик қилишади.

Ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини тоғиб олишида оилاداги тарбиянинг ўрни беқўёқ. Болани тўғри тарбиялаш учун эса ота-оналарнинг ўзлари тарбия тоғган бўлиши керак.

Мен сўзимни «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобининг сўзбошимчи билан бошлаган эдим. Мақолада тилга олинган ёшлар ҳам тўғри тарбия тоғганда эди, эл назарига тушиши, ушбу юзбоғнинг қаҳрамонига айланиши мумкин эди.

**Баҳодир Абдухўлиқов,
Ғаллаорол тумани прокурорининг ўринбосари**



2001 йил 28 апрель куни соат 8 дан 30 дақиқалар ўтганда «Тошкент» шохбека ти тармоқ ИИБ навбатчилик қисмига «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига қарашли «Чуқурсой» шохбека ти вагонларни тақсимлаш паркн худудидаги ерга кўмилган цистернадан хўжалик сумкасига солинган, 30-35 ёшлардаги шахси ҳамда миллати номаълум аёл кишининг мурдаси топилганлиги ҳақида тезкор хабар келиб тушди.

Шу куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон транспорт прокурори Б. Тойжонованинг ташаббуси ва буйруғи билан жиноят иши юзасидан криминалист-прокурор У.Ортиқов раҳбарлигида Тошкент транспорт прокуратураси ва тармоқ ИИБ масъул ходимларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи тузилди.

Ходиса жойи тергов гуруҳи томонидан синчиқлаб кўздан кечирилиб, процессуал расмийлаштирилди (жараён фото ҳамда видеотасвирга олинди). Аёлни мурдаси кўздан кечирилганида, бош чаногининг орқа ўнг қисмида 11х6 см ҳажмдаги очик тан жароҳати борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Тошкент транспорт прокурори томонидан ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга тилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Ходиса содир бўлган жойнинг темир йўл бекатига яқинлиги, шунингдек, Тошкент шаҳри атрофида жойлашганини, жабрланувчининг кийимлари, танасидаги жароҳатлар ўлим бир неча кун олдин юз берганидан далолат берад эди. Мурда чирий бошлаганлиги ҳисобга олиниб, тергов ва тезкор қидирув режаси ишлаб чиқилди.

Тергов томонидан илгари сурланган тахминларнинг атрофлича ва чуқур текширилишини таъминлаш юзасидан аниқ йўналишлар белгиланган ҳолда бир вақтнинг ўзида текширишлар бошланди.

Асосий йўналишлардан бири жабрланувчининг шахсини аниқлашга қаратилган тергов ва тезкор қидирув ҳаракатларини ўтказиш эди. Шу мақсадда Тошкент шаҳри ва унинг яқинида жойлашган туманлар ҳудудидаги барча маҳалла кўмиталари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, ИИБнинг минтақавий нозирларига маҳаллада яшовчи 30-35 ёшлардаги аёл киши берад йўқолганлиги ҳолатини аниқлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Воқеа жойи ва мурда холислар иштирокида кўздан кечирилганида унинг чап қўлининг номсиз бармоғида оқ металлдан асалган узук борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Воқеа содир бўлган жой яқинида яшаётган аҳоли ўртасида мурданинг шахсини аниқлаш мақсадида тезкор суриштирув ҳаракатлари ўтказиш жараёнида фуқаро О. Герасименко мурданинг кийимлари, узуги ҳамда бармоқларидан лак бўёғидан ҳоласи Т. Герасименконинг таниб олди ва унинг Собир Раҳимов туманида яшаб келганини, у 2001 йил 2 апрель куни кечкурун таниши С. Фивковниқда бўлишини айтиб, уйдан чиқиб кетганлигини маълум қилди.

Зудлик билан С.Фивковнинг яшаш жойида тинтув ўтказилганида, унинг уйдан спортчилар шими, оқ рангли чойшаб, ёстик, сочик, жемпер, хонтахта ва хўжалик сум-

Ўзбекистон транспорт прокуратураси идораларининг назорат объектлари бўлимиш — ҳаво йўллари ва темир йўлларда содир этилаётган жиноятларни очиш, тергов қилиш жараёнида замонавий криминалистик ҳамда илмий-техник воситаларни татбиқ қилиш яхши натижалар беради.
Шу боисдан, криминалист-прокурорнинг биринчи галдаги вазифаси прокурор-тергов ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш, замонавий криминалистик воситалардан самарали фойдаланиш, илмий тавсияларни амалда татбиқ этиш, содир этилаётган жиноятларни очиш, сифатли тергов ўтказиш ва назорат олиб бориш, оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишда терговчиларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Криминалистик техника ва илмий воситалардан тергов амалиётида самарали ва тўғри фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги одам ўлдириш билан боғлиқ ўта оғир жиноятни тез муддатларда очишда қўл келди.

● БИР ТЕРГОВ ТАРИХИДАН

ган ашёвий далиллардаги доғлар Т.Герасименконинг қони излари эканлиги, судга оид криминалистика экспертизаси марҳумнинг бош чаногидаги тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисм билан тўрт-беш мартаба урилганидан ҳосил бўлганлиги, бу жароҳатлар С.Фивковнинг уйдан топилган болта билан урилишидан юзага келган бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳулосалар беришиди.

Тергов жараёнида марҳумнинг қариндошлари, танишлари, воқеа жойига яқин жойда яшовчи фуқароларнинг айтишларига қараганда, Т.Герасименко С.Фивков билан анча вақтдан бери

ҚОТИЛНИ ФОШ ҚИЛГАН ДАЛИЛЛАР

қаси каби нарсаларда қонга ўхшаш доғлар борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди ва улар юзасидан судга оид биологик экспертиза, шунингдек, марҳумнинг қўл бармоқларидан олинган лак бўёқлари юзасидан судга оид химиявий экспертиза тайинланди. Бундан ташқари, унинг уйдан қонга ўхшаш доғлари бўлган болта топилиб, марҳумнинг бош чаногида мавжуд бўлган жароҳатлар билан солиштириш, ушбу жароҳатларнинг келиши бўлиб яна ичмамиз деган, у рад этгач, жанжаллаша бошлаган. Шу вақтда у Т.Герасименконинг итариб юборади. У йўқилиб, боши билан ерда турган иситиш мосламасига урилиб, ҳушидан кетган.

Гумонланувчи С.Фивковнинг кўрсатувлари тўлиқ видеотасвирга ёзиб олинди ва воқеа жойида текшириб кўрилди.

Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг очик мажлисида кўрилиб, судланувчи С.Фивков Т.Герасименконинг ўта шафқатсизлиги билан ўлдирганилигида айбли деб топилиб, узук муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

эр-хотиндай бирга яшаб келган.

Воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари ва экспертиза ҳулосалари ушбу жиноятни С.Фивков содир қилганлигини тўғридан-тўғри кўрсатиб турса-да, унга сўроқ жараёнида тўпланган рад этиб бўлмайдиган далиллар тақдим қилинганидан сўнггина мазкур жиноятни содир қилганлиги иқро бўлди. Унинг сузларига кўра, 2001 йил 2 апрель куни тахминан соат 19-00 ларда Татьяна унинг олдига келиб, вино ичшини тақлиф қилган, кечаси соат 23 гача иккаласи биргалиқда 3 шиша вино ичиган, кейин Татьяна маст бўлиб яна ичмамиз деган, у рад этгач, жанжаллаша бошлаган. Шу вақтда у Т.Герасименконинг итариб юборади. У йўқилиб, боши билан ерда турган иситиш мосламасига урилиб, ҳушидан кетган.

Гумонланувчи С.Фивковнинг кўрсатувлари тўлиқ видеотасвирга ёзиб олинди ва воқеа жойида текшириб кўрилди.

Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг очик мажлисида кўрилиб, судланувчи С.Фивков Т.Герасименконинг ўта шафқатсизлиги билан ўлдирганилигида айбли деб топилиб, узук муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

З. БАЙМУХАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг криминалистика бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи



Суратда: Сирдарё вилоятининг прокуратурасининг катта терговчиси Лазиз Абдуллаев (ўнгла) ва криминалист-прокурори Шукрулло Турсуновлар иш устида. Ф.ТОШМАТОВ олган сурат

● ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

БАРБОД БЎЛГАН «ОПЕРАЦИЯ»

Ҳозирги кунни илгор техникасиз тасаввур қилишимиз қийин. Фан-техника тараққиёти туфайли кундалик ҳаётимизга кириб келган факс, компьютер, принтерлар билан олдин бир-икки кунда қиладиган ишимизни ҳозирда бир соатга қолдирмай амалга ошириш имкониятига эга бўлаемиз. Қисқаси, уларни ҳақли равишда оғиримизни энгил, узогимизни яқин қилувчи беминнат дастёр десак янгилигимиздан бўлаемиз. Лекин ҳамма ҳам бу техника воситаларидан бир хилда манфаат топавермас экан. Жамиятимизда айрим нопок инсонлар учраб турибдики, улар бу беминнат дастёрлардан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланиб, жиноят содир этишмоқда.

Асли Қирғизистон Республикаси фуқароси бўлган Маҳаммад Мамадалиев Қозоғистоннинг Чу темирйўл станциясида тергов жараёнида шахси аниқланмаган Акбар ва Володя исмли шахсларнинг қалбаки АҚШ долларларини Тошкент шаҳрига ўтказиш тўғрисидаги тақлифига рози бўлиб, уларнинг ёрдами ва кузатуви асосида божхона постини четлаб, Тошкент вилоятига ўтиб олади. Бу қалбаки долларлар оз эмас-кўп эмас 32 миңг бўлиб, ҳаммаси 100 купюралик қийматда эди. Шундан сўнг Муҳаммад 32 миңг қалбаки АҚШ долларини олиб, уларга гаров сифатида ўзининг фуқаролик паспортини қолдириб келади. Тошкентга етиб келган Маҳаммад бу пулларни ўтказиш осон кечмаслигини тушуниб етди. Чунки «клиент»лар бунчалик катта қийматдаги долларнинг ҳақиқийлигига гумон қилиб, унчалик олавермас эди. Шунинг учун Маҳаммад танишлари орқали бу ишни амалга оширишга киришди. У ҳар бир қалбаки «юзталки»ни ҳақиқий 25 АҚШ долларига алмаштиришга харидор топиб беришни сўраб, ўзининг Тошкент шаҳрида яшовчи эски таниши Комил Жумаевга мурожаат қилади. Хусусий корхонада менежер лавозимда ишлаган, бундай операцияларда қатнашиб, кўзи пишган Комил орадан бир кун ўтказиб харидор топади. Харидор сифатида Исматулло Абдуллани таллашади. Лекин Исматулло Абдулла улар қутган одам бўлиб чиқмади. М.Мамадалиев ва К.Жумаевларда катта миқдорда қалбаки АҚШ долларлари борлигини ва уларни сотмоқчи бўлаётганини эшитган Исматулло Абдулланинг аризасига мувофиқ тезда тезкор гуруҳ ташкил қилиниб, жиноятчиларни қўлга олиш режаси ишлаб чиқилди.

«Харидор»ни осонгина илтирганидан, иши юришаётгангидан сармаст Муҳаммад ва Комил бу пайтда метронинг «Ҳамза» бекати олдида Исматуллони кутаётган эдилар. Орадан бироз фурсат ўтиб Исматулло Абдулла ўз шахсий машинасида етиб келди. Кўзи тўрт бўлиб кутаётган Маҳаммад машинанинг олдига борди ва Исматуллонинг ёнига ўтирди.

– Ҳаммасини олиб келдингми?
– Ҳа, ҳаммаси.
Маҳаммад шундай деб, газетга ўроғлиқ талайгина долларларни Исматуллога кўрсатади. Исматулло эса ўз навбатида шартли белги қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига маълум қилади. Нима бўлаётгани, воқеа қандай тус олганини аниқлаб етмасдан Маҳаммад Мамадалиев ва Комил Жумаевлар тезкор гуруҳ аъзолари томонидан қўлга олинди. Улардан далилий ашё сифатида 323 дона 100 купюралли қалбаки АҚШ долларларини олишди.


Ўтказилган техник криминалистик экспертизада долларларнинг қалбаки эканлиги исботланди. Жиноятчилар тегишли ҳужжатларни тузмасдан божхона назоратини четлаб ўтишда ва жуда кўп миқдордаги қалбаки чет эл валютасини ўтказишда айбланиб, ЖКнинг бир нечта моддалари билан жиноий жазога тортилди.

З.ИБРАГИМОВ,
Чилонзор тумани прокурори

РУС-ҚОЗОҚ ҲАМКОРЛИГИ

Россия президенти Владимир Путин душанба куни Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқотда бўлди. Давлат раҳбарлари асосий эътиборни ёқилғи-энергетика соҳасига қаратган ҳолда рус-қозоқ савдо иқтисодий ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилишди. Президентлар, шунингдек, Ашхободда ўтказилажак каспий-бўйи мамлакатлари саммитига тайёргарликнинг бориши бўйича ҳам ўзаро фикрлашиб олдилар.

Халқаро масалалар муҳокамасида Марказий Осиё минтақасидаги вазиятга устувор аҳамият берилди. Шу билан бирга май ойида бўладиган Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясига тайёргарлик, шунингдек, бошқа хавфсизлик тузилмалари иши бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.



МОЛ-МУЛКИ ХАТГА ТУШДИ

Душанба куни мустақил «ТВ-6 Москва» ахборот тарқатиш корпорациясини тугатиш комиссияси доирасида тузилган инвентаризация комиссияси иш бошлади. Комиссия раҳбари Павел Черноваловнинг айтишича, корпорациянинг барча мол-мулки рўйхатга олиб бўлинган, уни сотиш ёки ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилинган. Таъкидлаш жоизки, «ТВ-6 Москва» жомаси Россия олий арбитраж судининг корпорацияни тугатиш ҳақидаги қарорини устидан инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига ариза берган. Корпорация тақдирига яқин орада аниқлик киритилса ожаб эмас.

ГРУЗИЯДА ҚАНЧА ҚОЧОҚ БОР?

Душанба куни Грузия ҳукумати мамлакатдаги чечен қочоқларини қайтадан рўйхатга олишни бошлади. Қочоқлар ишлари бўйича вазирлик ходимлари олти кун мобайнида шу иш билан шугулланишди.

2001 йили ўтказилган тадбир мамлакатда 7 мингга яқин россиялик қочоқ мавжудлигини кўрсатган эди. Уларнинг аксари яти машҳур Панкис дарасидан кўнун топан.

Расмий маълумотларга кўра, ўтган йили Грузияни 2 мингга яқин чечен қочоқлари тарқ этган. Шу давр мобайнида мамлакатга қанча қочоқ кириб келгани эса энди маълум бўлади.

МЕЪМОРГА МУКОФОТ

Австралиялик 66 ёшли меъмор Глен Меркат меъморчилик соҳасидаги нуфузли соврин — Прицкер мукофотига лойиқ деб топилди. Бу ҳақда жамгарма президенти Томас Прицкер маълум қилди.

Қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу мукофот 1979 йилда таъсис этилган бўлиб, ҳар йили дунёнинг энг илгор меъморлари мазкур соврин билан тақдирландилар.

ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ

Женевадаги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси Исроилни Фаластинликларни оммавий равишда қираётганликда айблади ҳамда яҳудий ҳукумати Фаластин худудларидаги ҳарбий операцияларни зудлик билан тўxtатишга чакрди.

Комиссиянинг йиллик сессиясида махсус резолюция қабул қилинди. Унда Фаластин халқининг зўравонликка қаршилик кўрсатиш ҳуқуқи қўллаб-қувватланиб, Исроил халқаро ҳуқуқ нормаларини кўпол равишда бузишда айбланади. Комиссияга аъзо 53 мамлакат вакиллари 40 нафари айблов резолюцияси қабул қилинишини ёқлаб, 5 нафари эса қарши овоз берди. 7 вакил бетараф қолди.

ҚАЕРДАДИР ЧЕГАРА ЯҚИНИДА...

АҚШ ҳарбий кўмондонлиги Покистон раҳбарияти билан америкалик махсус тайёргарликдан ўтган аскарларнинг мамлакат худудига уюштиражак иккинчи рейди бўйича музокара олиб бормоқда. **Икки ҳафта бурун Усома бин Лодиннинг яқин ёрдаси Абу Зубайдани кўлга олишга муваффақ бўлган америкаликлар энди бин Лодиннинг ўзини тутиш илинжида. Уларнинг фикрича, «биринчи рақамли террорчи» қаердадир Покистоннинг Афғонистон билан чегара худудларида яшириниб юрибди.**

ОЙДАНИЧНИНГ «МУҚАДДАС» БУРЧИ

Гаагадаги халқаро трибунал томонидан Косовода ҳарбий жиноятлар содир этганликда айбланаётган югослов армияси бош штабининг sobиқ бошлиги, истеъфодаги генерал-палковник Драголюб Ойданич ўз иштиёри билан Гаагага боришга тайёр.

Ойданич Германияда серб тилида чиқадиган «Вести» газетасига интервью берар экан, судда ҳозир бўлиш ўзининг конституциявий бурчи эканлигини таъкидлаган.

– Мени зудлик билан ҳибсга олишлари мумкин, бироқ бунга зарурат йўқ, – деган генерал. – Мен яширинмаяман, қочиб ҳам кетмаяман. Ватанимни агрессиядан ҳимоя қилиш бурчим бўлгани каби, талаб қилсалар судда ҳозир бўлиш ҳам конституциявий бурчимдир.

Ойданичнинг сўзларига кўра, у Женева конвенцияси билан белгиланган уруш қоидаларига мувофиқ равишда Конституция ва қонунга риоя қилган ҳолда Ватанини агрессиядан ҳимоя қилган эди.

Эслатиб ўтамиз, генерал Ойданичга нисбатан С. Милошевич ва унинг сафдошлари билан биргаликда 1999 йил 27 май куни айб эълон қилинган эди. Улар Косовода яшовчи албан аҳолисини қиргин қилишни режалаштириш, рағбатлантириш, қиргин кампаниясини бошқа методлар билан қўллаб-қувватлашда айбланадилар.

Афтидан Ойданич бекорга бундай йўл тутмаётган кўринади. Чунки Сербия Бош вазирини Зоран Жинжич Германиянинг «Франкфуртер альгемайне цайтунг» газетасига интервью берар экан, ҳукумат яқин икки

ҳафта ичида халқаро трибунал томонидан айбланаётган ўз фуқароларини экстрадиция қилишни бошлашини маълум қилган. Бош вазир Сербиянинг ҳозирги президенти Милан Милутиновични экстрадиция қилиш масаласига тўхтабар экан, айна пайтда уни тутиб трибуналга топшириб бўлмаслиги ҳақида гапирган.

Унинг фикрича, Милутинович ҳозир амалдаги давлат бошлиги ҳисобланади, уни ҳибсга олиб, экстрадиция қилиш ўзини ҳурмат қилувчи мамлакат учун хос эмас ва айрим фавқуллоҳда хавфли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг исботи сифатида шуни айтиш керакки, парламентнинг қуёи палатаси ҳарбий жиноятларда айбланаётган фуқароларни экстрадиция қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилган, айбланаётганлардан бири — Сербиянинг sobиқ ички ишлар вазирини Влайко Стойкович норозилик белгиси сифатида парламент биноси олдида ўзини ўзи отиб ташлаган.



Халқаро ҳамжамиятнинг, айниқса АҚШ ҳукуматининг қатъий талаби билан Фаластин худудларидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетаётган Исроил «Фаластин ерларини террорчилардан тозалаш операциялари» чоғида тинч аҳоли орасида қанча қурбонлар борлиги хусусида лом-мум демаяпти. Мутахассисларнинг айтишича, операциялар аҳоли зич жойлашган шаҳарларда ўтказилганлиги боис қурбон бўлганларнинг сони юзлаб кишиларни ташкил этиши мумкин. Бу ҳақда эса аниқ бир маълумот йўқ. Сабоби, исроиллик ҳарбийлар тўқнашувлар майдони атрофида биронта ҳам журналистни яқинлаштирмаган.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Япония шимолида жойлашган авиабазалардан биридан ҳавога кўтарилган АҚШ ҳарбий денгиз кучларига қарашли F-16 самолёти ҳалокатга учраб, океанга қулаб тушган. Катаapult кишига улгурган учувчини эса баликчилар сувдан тортиб олишган.


Шундан сўнг учувчини америкалик ҳарбийларга қарашли вертолёт номаълум томонга олиб кетган.



ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛ ҚЎЛИ БИЛАН...

Чеченистонда Россия махсус хизмати ходимлари ўтказган махсус операция натижасида машҳур дала кўмондони Хаттоб ўлдирилган. «Бу ҳақда катта ишонч билан гапиршиш мумкин. Негаки, охириги икки ой мобайнида Хаттоб бирон марта ҳам ўз назорати остидаги туманда ҳаракат қилаётган жангарилар билан алоқага чиқмаган, буйруқ ҳам бермаган. Ҳозир умуман унинг бор-йўқлиги билинмайди», деган операцияда қатнашган ҳамда ўз номини ошкор қилишни истамаган Россия ФХХ вакили. Унинг сўзларига кўра, Хаттоб илгаридан МДХ давлатларидан бирининг махсус хизмати томонидан ёлланган бир арабининг қўли билан ўлдирилган.

Расмий Москва эса ҳозирча Хаттобни йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операция хусусида лом-мум демасликни афзал кўраяпти. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, илгори ҳам Хаттобнинг йўқ қилинганлиги хусусида бир неча бор норасмий хабарлар тарқалган эди.






ФАЗОВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ

Бунақаси ҳали дунё темир йўллари тарихида бўлмаган. Америкалик астронавтлар инсониятнинг коинотдаги фаолияти тарихида биринчи марта Халқаро космик станцияда фазовий темир йўлни фойдаланиш учун тайёр ҳолга келтиришди. 22 метрлик йўлда улкан қуёш батареялари ўрнатилган махсус транспорт вагончаси 3 см. секунд тезлик билан ҳаракатланади.

Келажақда темир йўлнинг узунлигини 180 метрга етказиш мўлжалланмоқда. NASA мутахассисларининг тасдиқлашларича, мазкур транспорт тизимидан ҳозирданок фойдаланавериш мумкин.

КРОССВОРД

	Завақ				Осмон				
	Абдурашмов	Ой номи	Хўла		Хунарманд				
						Маъдан	...	Аллегрова	Олов
	Тошкент, бозор	Қитъа							
				Дами ...				«Бородино»	
	Бировага гапирши	Академик		Қадимги Волга				Тулпонча тури	
Металл				Олма нави					
		Махсус материал		Масҳара		Гал			
Омбор, идиш	Ғалла, гўза					Ғарбча салғат			
				Қуёш худоси, Миер					
Ўзбек комедияси	Гулхан							Тутиқуш тури	
Қуш тури	Балиқ уруғи					Номус			
	Қўшимча			Ошхона анжоми					

Тузувчи: К. БОҒБЕКОВ

ФУТБОЛ

«НАСАФ» ОСИЁДА ТЎРТИНЧИ!

Айни кунларда футбол бўйича жаҳон чемпионати баҳсларига старт берилмай туриб ўз миллий биринчиликлари тугатиб олишга қарор қилганликлари туфайли аксарият Европа мамлакатларида мавсум ниҳояланиб бормоқда. Бизда эса чемпионат энди-энди қизий бошлади.

Ўтган ҳафтанинг шанба-якшанба кунлари олий лига жамоалари 5-тур учрашувларини ўтказишди. Шунга таъкидлаш жоизки, бунгача тўрт ўйиннинг барчасида галаба қозongan икки жамоа турнир жадвалини бошқариб бораётган эди. Энди улардан бири танҳо пешқадам. Шундай қилиб, 5-турда куйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Пахтакор» — 0:5, «Насаф» — «Навбахор» — 3:2, «Сўғдиёна» — «Самарқанд-Д» — 0:0, «Нефтчи» — «Қизилқум» — 2:1, «Сурхон» — «Металлург» — 1:1, «Дўстлик» — «Андижон» — 2:0, «Қўқон-1912» — «Машъал» — 3:1, «Зарафшон» — «Трактор» — 3:0.

Ҳозирча «Пахтакор» 15 очко билан биринчи, «Қизилқум» 12 очко билан иккинчи, «Самарқанд-Д» эса 10 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Ўтган 10 чемпионат якунига кўра ҳеч қачон 2-ўриндан пастга тушмаган «Нефтчи» футболчилари ҳозирча 6-ўринда боришмоқда. Тўғрарлар баҳсида самарқандлик Равшан Бозоров 6 та тўп билан пешқадамлик қилмоқда.

Айтгандай, «Насаф» апрель ойининг биринчи ҳафтасида Техронда Осиё чемпионлари кубогининг ярим финал баҳсларида қатнашиб қайтди. Ҳарқалай, қаршиликларнинг Осиёда 4-ўринни олишлари га ҳозирча муваффақият сифатида қараш керак...

ДОНОЛАР демшиҳи...

Инсон тўғрилиқ билан улуғликка етади.

Нафсга эрк бермасанг, жонинг саломат бўлади.

Сўз билан саваланмагунча, бахтининг қалби оқармайди.

Одам ўз элига яхшилик қилиши билан уларнинг улуғига айланади.

Ҳар бир инсон уч нарсага уч кўз билан, яъни одамларга такаббурлик кўзи билан эмас, камтарлик кўзи билан, ҳалолдан бойиған кишиларга ҳасад кўзи билан эмас, ибрат кўзи билан, хотин-қизларга шаҳват кўзи билан эмас, шафқат кўзи билан назар солиши лозим.

Фойда бермайдиган ишни қилма, хотинининг чиройи билан керилма, пулинг кўп бўлса-да, унга ишонма.

Бир неча нарса борки, амалга оширмаса фойда бўлмайди: айтилган сўз бажарилмаса ундан наф йўқ, тирикчилик учун фойдаланилмаса, тўпланган бойликдан фойда йўқ, ўртада тенглик ва ҳолислик бўлмаса қилинган сўхбатдан фойда йўқ, соғлиқ ва саломатлик бўлмаса ҳаётдан фойда йўқ.

Яхшилик қилганга ёмонлик қилишидан кўра разилроқ пасткашлик йўқ.

Сен ризқни қидирсанг, у ҳам сени қидиради.

Чақимчининг иши бир онда тугайди, аммо фитнаси узок давом этади.

Ҳасадмига азоб шарт эмас, чунки у сенинг ишлагингни кўрганда ўз-ўзидан азобланаверади.

«Муқтатофоти адабий» (Одобга оид термалар) китобидан

ТУРФА ОЛАМ

Ўғриллар лугати
Ногиронларнинг кичик қорхонасида ўғриллар тили бўйича янги изоҳли лугат тузмоқчи бўлишди. Лугат тузувчилар ўзларини сир тутишиб, ҳатто қалам ҳақларини ҳам ўзгалар орқали олдилар. Қизиғи шундаки, лугат муаллифларининг ҳар бири турли жинойтлари учун камида 10 йилдан «ўтириб» чиқилган. Бу воқеа Тюменда рўй берди. Ажабланарлиси, «қизиқарли» лугатнинг биринчи ўқувчилари ИИБларнинг ходимлари бўлишди.

Полициячи шерлар
Венесуэла пойтахти Каракасда икки ёш шер махсус ўқув курсини тугатиб диплом олди. Энди улар полициячиларга ёрдам беришмоқда. Янги мутахассисларнинг вазифаси гивванд моддаларни қидиришдир. Шерларнинг хид билиш қобилияти итларникига қараганда 10 баравар кучли экан. Ёш шерлар қисқа вақт орасида полициячиларнинг назарига тушди.

Китоб қайтарилмаса қамоққа
Канаданинг Гатина шаҳрида китоб ўғрилари учун энг оғир қонун мавжуд. Агар китобхон кутубхонадан китоб олиб ўз вақтида қайтармаса, катта жарима тўлайди. Шундан кейин ҳам китоб қайтарилмаса, у ҳолда китобхон икки ойда озодликдан маҳрум этилади.



Суратда: Наманган вилоят прокуратурасининг футбол жамоаси.

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Наманган вилоят прокуратурасининг «Дўстлик» газетаси соврини учун вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида бошланган футбол биринчилиги ниҳосига етди. Вилоят прокуратураси ҳамда ИИБ жамоаси ўртасида биринчи ўрин учун бўлган курашда вилоят ИИБ жамоаси мусобақа голибчилигини қўлга киритди. Турнирда биринчи ўринни эгаллаган ИИБ жамоасига «Дўстлик» газетаси кубоги ҳамда рангли телевизор топширилди. Иккинчи ўринни эгаллаган вилоят прокуратураси ва учинчи ўринни қўлга киритган вилоят давлат солиқ бошқармаси жамоалари ҳам қўмнатбазор совғалар билан тақдирландилар.

АМАДАТОВ

АНТИҚА ИСТЕЪДОД

Ёшгина бир йигит қадимий, антиқа моллар сотиладиган дўконга кириб, тўғри дўкондор хонасига йўналди:
— Ассалому алайкум!
— Ваалайкум ассалом! Келинг, азизим, ҳўш, хизмат? Бирон нарса олмақчимисиз?
— Йўқ, жаноб, мен газетга берган эълонингиз бўйича келгандим. Сизларга сотувчи керак экан. Ишга кирмоқчи эдим.
— Касбингиз нима? Энг охириги иш жойингиз...
— Касбим сотувчилик. Универмагда ишлардим.
— Антика моллар бўлимидами?
— Йўқ, эракларнинг ички кийимлари бўлимида...
Дўкондор афсуслангандек бош чайкаб қўйди:
— Азизим, сиз бизга тўғри келмайсиз. Мен ахир эълонда аниқ-равшан ёзиб қўйганман. Бизга антиквар молларни яхши тушунадиган сотувчи керак. Ахир, дўконимиз антиквар, яъни қадимий, ноёб моллар сотиладиган дўкон. Сиз эса фақат эракларнинг ички кийимларини сотиш билан шуғулланган экансиз. Нима, антиқа моллар ишқибозларига дўкондаги молларни сотиб бера оламан, деб ўйлайсизми?
— Йўқ, мен бундай деб ўйламайман, мен бунга қатъий ишонаман.
Дўкондор ичида «бироз безбетроқ эканми бу йигитча», деб ўйлади, аммо сир бой бермай гапида давом этди:
— У ҳолда мен сизнинг билимингизни, қобилиятингизни бир синаб

МУТОЙИБА кўришни керак.
— Марҳамат, бажонидил, ҳар қандай синонга тайёрман.
Дўкондор тоқнадан қадимий бир соатнинг қумушдан ясалган синиқ цифирблатини олиб йигитга узатди.
— Мана бу нарсани олинг-да, мени харидор деб тасаввур қилиб, хунарингизни бир кўрсатинг.
Йигит дўкондорнинг атрофида гирдиқалалак бўла бошлади:
— Жаноб, бизнинг дўконимизга кириб, қанчалар ютуққа эга бўлганлигингизни ўзингиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Мақтаниш бўлма-син-у, аммо яқин атрофда бизнинг дўконимизга тенг келадиган дўкон умуман йўқ. Мана, қаранг, қўлимдаги мана бу тиш қовлагич билан бир вақтлар шахсан Наполеон Бонапарт тишларини тозалаган. Соф олтиндан ясалган бу тиш қовлагични сарой аъёнларидан биронтаси ўғирлаб олмасин деб устига қумуш суви юритишган. Жаҳон бозорига бунақа нарсалар жуда кам қолган. Аммо мен буни сизга азбаройи менга ёқиб қолганингиз учун, бундан кейин ҳам дўконимизга тез-тез ташриф бууриб турарсиз деган умидда бор-йўғи юз долларга бериб юбораман.
Дўкондор чўнтагидан юз доллар чиқариб йигитга берди ва кўп борса беш цент турадиган синиқ цифирблатни дунё топандек хурсанд бўлиб чўнтагига солди. Ҳатто «яқинда буни икки юзга пулласам керак», деб кўнглидан ҳам кечирди ва... гап нимадалигини фаҳмлаб қаҳ-қаҳа уриб кулиб юборди:
— Азизим, сиз сотувчи эмас, бало экансиз, антиқа истеъдод эгаси экансиз. Бизга мана шунча сотувчилар керак-да ўзи!
Немис тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси